| 8 | Маданият муассасаларида ўтказиладиган тадбирларда амалий безак санъати намуналаридан фойдаланиш | **4** | **3-4** | Дарслик адабиётлар | ўтилган мавзулар-ни такрор-лаш | **Ж.Н** | |
| 9 | Услубчининг маданий муасса-саларда ўтказиладиган тад-бирлардаги ўрни | **4** | **5-6** | Дарслик адабиётлар | ўтилган мавзулар-ни такрор-лаш | | |
| 10 | Маданий-маърифий фаоли-ятда клуб драматургияси | **2** | **7** | Дарслик адабиётлар | ўтилган мавзулар-ни такрор-лаш | **Ж.Н** | |
| 11 | Услубий раҳбарликнинг амалиётдан фойдаланиши | **4** | **8-9** | Дарслик адабиётлар | ўтилган мавзулар-ни такрор- | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | лаш | | |
| 12 | Ўзбекистонда маданий марказ-ларнинг хорижий мамлакатлар билан алоқаси | **4** | **10-11** | Дарслик адабиётлар | ўтилган мавзулар-ни такрор-лаш | **Ж.Н** | |
| | **Жами :** | **36** | | | | | |

Фан бўйича тақвим - режа.

« Маданий маърифий ишларни режалаштириш ва услубий рахбарлик» фанидан маърўза учун 4 - курс (бакалавр) талабаларига тақвим – режа.

| № | Маърўза мавзулари | соат | Бажариш мудда | Бажарилиши | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Маданий-маърифий ишларни режалаштириш ва услубий раҳбарлик фани ҳақида тушунча | 2 | 1-хафта | | |
| 2 | Услубий раҳбарликнинг предмети ва маданий-маърифий фаолиятни маданият муассасаларида режалаштириш вазифалари. | 2 | 2-хафта | | |
| 3 | Услубий раҳбарлик системалари ҳақаида тушунча . Юксак маънавий келажак сари | 2 | 3-хафта | | |
| 4 | Маданий - маърифий муассасалар фаолиятини илмий асосда ташкил этиш . Маданий-маърифий ишларни бошқаришда Клуб сценарийсини роли | 2 | 4-хафта | | |
| 5 | Услубий раҳбарликнинг Мустақил демократик жамиятда тутган ўрни. | 2 | 5-хафта | | |
| | **8 – с е м е с т р** | | | | |
| 6 | Маданий муассасалар фаоли-ятида маданий-маърифий ишларни режалаштириш ва раҳбарликнинг турлари | 4 | 1-2 хафта | | |
| 7 | Маданий муассасалар фаоли-ятида услубий раҳбарликнинг вазифалари | 2 | 3-хафта | | |
| 8 | Маданий - маърифий ишлар-ни ташкил этишда услубий рахбарлик мохияти | 2 | 4-хафта | | |
| | **Жами :** | 18 | | | |

**« Маданий маърифий ишларни режалаштириш ва услубий рахбарлик» фанидан амалий машғулот (семинар) учун тақвим – режа.**

| № | Машғулот мавзулари | соат | Бажариш муддати | Бажарилиши | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | **7 – с е м е с т р** | | | | |
| 1 | Маданий-маърифий ишларни режалаштириш намунаси | **2** | 1-хафта | | |
| 2 | Услубий рахбарликнинг маданий-маърифий фаолияти йўналишида амалиётдан фойдаланиш. | **2** | 2-хафта | | |
| 3 | Маданий дам олиш имкониятлари . | **2** | 3-хафта | | |
| 4 | Маданий-маърифий ишлар юзасидан тадбирлар тузиш. | **2** | 4-хафта | | |
| 5 | Халқ байрамларини ўтишида маданий услубий раҳбарлик | **2** | 5-хафта | | |
| | 8 – с е м е с т р | | | | |
| 6 | Услубий рахбарликнинг жамиятда тутган ўрни | **2** | 1-хафта | | |
| 7 | Оммавий тадбирларни ўтказишда услубий раҳбарлик. | **2** | 2-хафта | | |
| 8 | Маданият муассасаларида ўтказиладиган тадбирларда амалий безак санъати намуналаридан фойдаланиш | **4** | 3-4-хафта | | |
| 9 | Услубчининг маданий муассасаларда ўтказиладиган тадбирлардаги ўрни | **4** | 5-6-хафта | | |
| 10 | Маданий-маърифий фаолиятда клуб драматургияси | **2** | 7-хафта | | |
| 11 | Услубий раҳбарликнинг амалиётдан фойдаланиши | **4** | 8-9 хафта | | |
| 12 | Ўзбекистонда маданий марказларнинг хорижий мамлакатлар билан алоқаси | **4** | 10-11 хафта | | |
| | **Жами :** | **36** | | | |

"МАДАНИЙ МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УСЛУБИЙ РАҲБАРЛИК " ФАНИНИНГ АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР БЎЙИЧА МАВЗУЛАРИ ВА РЕЖАЛАРИ

| **М А В З У Л А Р ВА Р Е Ж А** |
|---|
| **1 – Мавзу: Маданий-маърифий ишларни режалаштириш намунаси .**<br>Режа :<br>1.Маданий-маърифий муассасалар тўғрисида.<br>2 Маданий-маърифий ишларни режалаштириш.<br>3.Байрамларнинг турлари<br>Адабиётлар : |

| |
|---|
| 1.И.Каримов “Истиқлол ва маънавият” Т., Ўзбекистон . 1994 й.<br>2.И.Жабборов “Ўзбеклар турмуш тарзи” Ўқитувчи нашриёти. ,2003 й. |
| **2 – Мавзу: Услубий рахбарликнинг маданий-маърифий фаолияти ривожлантиришда услубий ёрдами. (2 соат)**<br>Режа:<br>4. Маданият уй иш фаолият тахлили<br>5. Ходимлар фаолияти<br>6. Маданият уй ойлик иш режаси<br>Адабиётлар<br>1.Ўзбекистонда маданий-маърифий ишлар.Т Ўқитувчи., 1993 й.<br>2.Клуб фаолиятига оид меъёрий хуқуқий хужжатлар ва тавсияномалар. Т. 1992 й. |
| **3- Мавзу: Клуб муассасасининг иш фаолиятини тўғри ва мақсадли режалаштириш**<br>Режа:<br>1.Ахолини фикр мулохазасини ўрганиш<br>2.Дам олиш вақтини ташкил этиш<br>3.Бўш вақтдан оқилона фойдаланиш<br>Адабиётлар<br>1.И.Каримов “Тарихсиз келажак бўлмайди” Т.., 1994 й.<br>2.“Ўзбекистонда маданий-маърифий ишлар” Т.Ўқитувчи, 1993 й. |
| **4 - Мавзу: Маданий-маърифий ишлар юзасидан тадбирлар тузишда услубий ёрдам**<br>**Режа:**<br>4 Тадбир тузиш.<br>5 Бадиий хаваскорлк жамоаларнинг тадбирдаги иштироки<br>6 Оммавий тадбирлар тузиш<br>Адабиётлар<br>1. И.Жабборов “Ўзбеклар турмуш тарзи” Ўқитувчи нашриёти 2003 й.<br>2. “Ўзбекистонда маданий-маърифий ишлар” Т. Ўқитувчи ., 1993 й. |
| **5 - Мавзу: Ахолини қизиқишларига қараб маданий тадбирлар ташкил этишда маданий маърифий ишнинг турли усулларидан фойдаланиш**<br>Режа:<br>1. Тадбир тузишда маданий услубий раҳбарлик.<br>2. Муассаса ходимларини тадбирга жалб этиш ва вазифалари<br>3. Клуб кечаларининг мавзулар ,замон талабига жавоб бериш<br>Адабиётлар :<br>1.И.Каримов “Истиқлол ва маънавият” Т., Ўзбекистон .. 1994 й.<br>2.И.Жабборов “Ўзбеклар турмуш тарзи” Ўқитувчи нашриёти . ,2003 й. |
| **6 - Мавзу: Услубий рахбарликнинг жамиятда тутган ўрни**<br>Режа<br>1. Тадбирларда услубий раҳбарликнинг ахамияти.<br>2. Маданий-маърифий фаолиятни демократлаштириш<br>3. Тадбирларда тарғибот ишлари.<br>Адабиётлар :<br>1.И.Каримов “Тарихсиз келажак бўлмайди” Т.., 1994 й.<br>2“Ўзбекистонда маданий-маърифий ишлар” Т. Ўқитувчи., 1993 й. |
| **7 - Мавзу: Аҳолини маданй талаблари ва қизиқишларини ўрганиш.**<br>**Режа:**<br>4. Анкета ва тавсияномалар |

| |
|---|
| 5. Республикамизда ўтказиладиган байрамлар<br>6. Касб байрамлари.<br>Адабиётлар :<br>1. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” журнали Тошкент нашриёти.<br>2.Маданият ходимлари учун ёрдам . Т., 1992 й. Халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлар жумхурият илмий услубият маркази. |
| **8 - Мавзу: Миллий байрамларни ташкил этишда услубий тавсияномалар**<br>Режа<br>4. Мустақиллик байрами<br>5. “Наврўз” байрами<br>6. Хотира ва қадрлаш кунини нишонлаш<br>Адабиётлар :<br>1.Санъат журнали .. Тошкент нашриёти.<br>2. Маданият ходимлари учун ёрдам . Т., 1992 й. Халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлар жумхурият илмий услубият маркази. |
| **9 - Мавзу: Услубчининг маданий муассасаларда ўтказиладиган тадбирлардаги ўрни**<br>**Режа :**<br>1.Тадбирлар режасини тузиш<br>2.Сценарий турлари<br>3.Тадбир ташкил этишда услубий ва амалий ёрдам<br>Адабиётлар :<br>1. И.Жабборов “Ўзбеклар турмуш тарзи” Ўқитувчи нашриёти . ,2003 й.<br>2. “Ўзбекистонда маданий-маърифий ишлар” Т. Ўқитувчи ., 1993 й. |
| **10 - Мавзу: Маданий-маърифий фаолиятда клуб драматургияси**<br>**Режа :**<br>1.Клуб драматургиясининг вазифаси.<br>2.Клуб ишларининг шакллари.<br>3.Клуб драматургиясининг ўзига хос хусусиятлари.<br>Адабиётлар :<br>1.Ўзбекистонда маданий-маърифий ишлар. Т. Ўқитувчи.,1993 й 2. Клуб фаолиятига ои меъёрий хуқуқий хужжатлар ва тавсияномалар. Т. 1992 й. |
| **11 - Мавзу: Услубий раҳбарликнинг амалиётдан фойдаланиши**<br>Режа :<br>1. Халқ ижодиёти ва услубий марказ фаолияти .<br>2. Ўтказилган тадбир тахлили.<br>3 . Композиция тузишда усул ва шакллар<br>Адабиётлар :<br>1.“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси . Тошкент нашр.<br>2..И.Каримов “Тарихсиз келажак бўлмайди” Т, 1994 й. |
| **12 - Мавзу: Ўзбекистон Республикасиниг ютуқлари, кундалик ва сиёсий ижтимоий янгиликлар,кенг омма ўртасида тарғиб қилиш**<br>**Режа :**<br>4. Оммавий сиёсий ишлар<br>5. Жахон фестивалларининг ўтказилиши.<br>6. Ўзбек санъати жаҳон бўйлаб.<br>***Адабиётлар :***<br>1**..** И.Каримов “Истиқлол ва маънавият” Ўзбекистон нашриёти., 1994 й.<br>2.“Ўзбекистонда маданий-маърифий ишлар” Т.,Ўқитувчи .,1993 й. |

**Адабиётлар руйхати**

**Асосий адабиётлар.**


10. Клуб культура и досуга . М. Проф.изд. 1987 г. Смирнова.
11. Маданий маърифий муассасаларда мехнаткашлар хаваскорлик ижодиётини ташкил этиш .
12. М.Саттор “Ўзбек удумлари ”. Т., Фан . 1993 й.
13. Р.Йўлдошева “Ўзбек халқ ўйинларининг ахамияти” Т. Ўқит..,1992 й.
14. “Бахор байрамлари”,”Наврўз байрамлари” Қомуслар бош тахририяти., Т..1994 й.
15. Усмон Қорабоев . “Ўзбекистон байрамлари ” Ўқит.,1991 й.
16. Абу Райҳон Беруний 1-китоб “Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар.” Т., Фан 1986 й.
17. “Ўзбекистон энциклопедияси” Т.., Ўзбекистон энциклопедияси бош редакцияси ., 1977 й. 9 – том.
18. А,Жарков “Организация культурно-просветительной работа” Л..Просв. ,1989 г.


**ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР**


4. М.Қодиров. “Ўзбек театр анъаналари ” Т. ,Ғ.Ғулом “Адабиёт ва санъат” ..,1976 й.
5. М.Қодиров. “Халқ қўғирчоқ театри” Т. ,Ғ.Ғулом “Адабиёт ва санъат” ..,1972 й.
6. М.Қодиров. “Ўзбек халқ томоша санъати”Т. Ўқитувчи ., 1976 й.


**Маданий - маърифий ишларни режалаштириш ва услубий раҳбарлик фанидан назорат саволлари**

1. Маданий маърифий муассасага тариф беринг.
2. Режалаштириш нима?
3. Бадиий-оммавий тадбирлар деганда нималарни тушунасиз?
4. Бадиий-оммавий тадбирларнинг асосий иш шакллари нималардан иборат?
5. Услубий рахбарликни предметлари нималардан иборат?
6. Маданий маърифий муассасалар ишини кандай режалаштирилади?
7. Маданий маърифий муассасаларни фаолияти кандай?

8. Маданий маърифий муассасалар кандай бошкарилади?
9. Уз-узини бошкариш нима?
10. Низом нима?
11. Услубий рахбарлик нима?
12. Ташкилий хужалик ишлари кандай юритилади?
13. Иш режалари кандай тузилади?
14. Маданий маърифий муассасалар фаолиятини илмий асосда ташкил этиш кандай амалга оширилади?
15. Узбекистон санъати намоёндаларини хорижий мамлакатлар билан маданий маърифий фаолиятидаги алокаси кандай?
16. Узбек санъатининг хорижий мамлакатларда намойиш этилиши хакида тушунтиринг.
17. Маданий маърифий муассаса сценарийсининг мохияти нимада?
18. Сценарийга таъриф беринг?
19. Неча хил куринишдаги сценарийлар мавжуд?
20. Узбекистонда оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва куллаб кувватлаш ижтимоий-сиёсий жамгармасининг макса два вазифалари нимадан иборат?
21. Узбекистонда кандай Янги нашриётлар пайдо булди?
22. Республикада «Узбектеатр» янги ижодий-ишлаб чикариш бирлаш-маси качон ташкил топди ва унинг фаолият мохияти нимадан иборат?
23. Маданий муассасалар фаолиятида маърифий ишларни кандай режалаштирилади?
24. Рахбарликнинг кандай турлари мавжуд?
25. Рагбатлантириш нима?
26. Бадиий-оммавий тадбирларда фойдаланиладиган воситаларнинг роли деганда нимани тушунасиз?
27. Бадиий-оммавий тадбирларда фойдаланиладиган воситаларнинг кандай турлари мавжуд?
28. Бадиий-оммавий тадбирларда жонли суз воситаси нималардан иборат?
29. Бадиий-оммавий тадбирларда бадиий суз воситасидан кандай фойдаланамиз?
30. Байрам сузига таъриф беринг.
31. Байрамларни уюштиришда маданий муассасаларни роли кандай?
32. Байрамларни уюштиришда ташкилотчининг вазифаси ва роли нималардан иборат?
33. Байрамларни мохияти кандай ахамиятга эга?
34. Бадиий –оммавий тадбирларнинг узига хос принциплар ва функциялари деганда нимани тушунасиз?

35. Принцип сузига таъриф беринг.
36. Маданий маърифий ишларнинг кандай принциплари мавжуд?
37. Оммавийлик ва ихтиёрийлик принципи кандай?

**Маданий - маърифий ишларни режалаштириш ва услубий раҳбарлик фанидан таянч сўз ва иборалар**

Маданий маърифий муассасалар, режалаштириш, баддий тадбирлар, оммавий тадбирлар, услубий рахбарлик.

Услубий рахбарлик, режалаштириш, моддий техника базаси, маърифий ишлар.

Уз-узини бошкариш, Низом, шартнома, рагбатлантириш, ишлаб чикариш.

Услубий иш, маданият уйи, иш режа, ташкилий ишлар, хужалик ишлари.

Драматургия, тадбир, тематик кечалар, томошалар, байрамлар, публицистик асарлар.

Сценарий, драматургия, эпизод, публицистик кеча, бадиий тадбир

Публицистик асар, публицистика, бадиий образ

Режалаштириш, рагбатлантириш, дастур, хизматлар, мехнатни ташкил этиш.

Бадиий оммавий тадбир, бадиий суз, жонли суз, мавзули кечалар.

Режиссёр, публицистик драматургия.

Принцип, бадиий-оммавий тадбир, оммавийлик ва ихтиёрийлик, мавзули кечалар, байрамлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН  ДАВЛАТ  УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАКУЛЬТЕТИ

«Ижтимоий-маданий фаолият» кафедраси

**МАДАНИЙ МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УСЛУБИЙ  РАХБАРЛИК ФАНИДАН**

# МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

НАМАНГАН 2008

**Тузувчи:   А.Ғаффаров**

**Тақризчи:         Б.Бўронов**

Маърузалар матни Ижтимоий-маданий фаолият кафедрасининг 2008 йил ________№___ баённомаси йиғилишида муҳокама қилиниб тасдиқланди ва кўпайтиришга тавсия этилди.

4-курслар учун

Маъруза 36 соат

## 1. Мавзу: Маданий маърифий ишларни режалаштириш ва услубий рахбарлик фани хакида тушунча.

**Режа :**

1. Маданият тушунчаси ва уларни турлари.
2. Гоявий-сиёсий тарбия ишларида маданият муассасаларининг роли.
3. Санъат тушунчаси ва инсон тафаккурини оширишда санъатнинг роли.
4. Маданий-маърифий тадбирларини ташкил этишда оммавий байрамлар ва урф-одатлар.

Маданият-давлат таълимотининг мухим таркибий кисмидир. Тарих такозосига кура, бир неча йиллар давомида эзилиб келган, маориф ва маданиятда четлатилган афгор халк оммаси мустакиллик туфайли моддий ва маънавий бойликлар яратиш ва ундан эркин, монеъсиз фойдаланиш имкониятига эга булди. Мустакиллик туфайли халкимизнинг моддий ва маънавий турмуш тарзида туб узгаришлар содир булди. Мехнаткашларнинг маданий ва маънавий савияси юксалди. Кишиларда муомила маданияти, кийиниш маданияти, юриш туриш маданияти ва хокозолар мужассамлашиб бормокда. Хозирги кунда маданий-окартув муассасалари мустакил давлатмиз гояларини таргиб килиб, мехнаткашларни мустакиллик курилишининг ривожланишига сафарбар этиб, давлат карорларини амалга оширишдан иборатдир. Шу билан бирга маданий-окартув муассасалари уз фаолияти нуктаи назаридан мехнаткашлар билан кундалик алока боглашнинг оммавий маркази хисобланади. Айни вактда маданий-окартув ишларининг ташкилотчилари ва тадбир иштирокчилари маънавий бойликларни истеъмол килувчиларгина булиб колмай, балки маданий хаётнинг фаол ижодкорлари сифатида хам майдонга чикдилар. Маданий-окартув муассасаларидаги тарбия ва таълим ишлари бевосита дам олишни уюштириш билан кушиб олиб боради.

Маданият муассасалари ва маданият саройлари мехнаткашларни гоявий-сиёсий тарбиялашда мустакил давлатимизнинг таянч пунктидир. Мустакил жамиятимизнинг моддий ва маънавитй хаётининг долзарб масалалари, халкаро ахвол хакида оммавий-сиёсий тадбирлар-ахборотлар, жахон харитаси олдида шархловчилар сухбати, огзаки журналлар, фотовитриналар, кургазмалар, мавзули кечалар, фильмлар намойиши утказилади.

Маданий маърифий муассасалар маданият муассасалари булиб, у узига хос ижтимоий сиёсий, оммавий-маданий хаёт ва санъатнинг умумлашма марказидир. Маданият ходимлари мустакил давлатимизнинг мухим карорларини оммага етказиш, мехнаткашларнинг барча

катламларини халк хужалик режаларини муддатдан олдин бажаришга сафарбар килиш, уларнинг сиёсий онгини устириш, ижтимоий фаоллигини оширишда, уларни ахлокий эстетик, жисмоний ватанпарварлик рухида тарбиялашда идеологик ишнинг олдинги сафларида борадилар. Хозирги замон шароитида фан-техника тараккиёти инсоннинг маънавий дунёсига бевосита ва билвосита таъсир курсатмокда. Хаёт, жамият вокеа-ходисаларга фаол муносабатда булиш, давр анъаналарини уз ижтимоий ва шахсий фаолиятига сингдириш, моддий ва маънавий бойликларни фаол бунёд этиш бугунги кунда хар бир кишининг юксак фукаролик бурчи ва инсоний фазилати булиб колмокда. Айни вактда мустакил Узбекистон фукароси фаолиятидаги ахамиятининг алохида таъкидлар, инсон тарбиясига бундан кейин хам янада купрок эътибор беришни асосий вазифа килиб куйилмокда. Мустакил Узбекистон кишиларни гоявий, сиёсий, ахлокий ва эстетик тарбиялашда маданият муассасаларининг ролини алохида курсатилмокда. Хозирги кунда мамлакатимизда 4 мингдан ортик маданият муассасалари ва маънавият ва маърифат марказлари ишлаб турибди. Маданий-окартув муассасалари мустакил жамиятимизнинг ижтимоий–сиёсий хаётида, янги кишининг тарбиялашда, унинг шахсиятини камол топтиришда мухим рол уйнайди.

Санъат-инсонда булган иктидордир. Биринчи навбатда санъаткорлар хар доим мехнаткашлар оммасининг иштирокида ва унинг таъсирида ривожланади. Шу боис хозирги вактда халк орасида утказиладиган хар бир маданий-маърифий тадбир мавзули кечалар, дам олиш кечалари учрашув ва савол-жавоб кечалари, байрамлар, сайллар, бадиий агитбригадалар ва агиттеатрлар чикишлари, сахнавий композициялар ва концертлар халк анъаналари ва маросимлар хаммаси пухта ишлаб чикилган сценарийасосида театрлаштирилган шаклда утказилиши давр такозосидир. Театрлашган яъни саъатлашган маданий тадбирда мехнаткашлар фаол иштирок этадилар. Уларни онги, билими, завк-шавки, ижодий тафаккури, талант ва истеъдодлари харакатга келади, камол топади. Хозирги кунда жамият ташкилотлари билан бадиий хаваскорлик жамоалари уртасидаги алокани мустахкамлаш, гоявий-сиёсий, ахлокий тарбия ва мехнат тарбиясидан миллий тафаккурни устириш, миллий демократик йулидаги гояларга карши кураш олиб боришда бадиий хаваскорлик санъатидан кенг фойдаланиш вазифасини куймокда. Бунда дастурнинг гоявий бадиий савиясини ошириш замонавий асарларга купрок эътибор бериш, миллий фольклордан фойдаланиш, миллий урф-одатларни кур курона сахнага олиб чикмаслик кераклиги кайд этилди.

**Назорат учун саволлар:**

1. Маданий маърифий муассасага тариф беринг.

2. Режалаштириш нима?

3. Бадиий-оммавий тадбирлар деганда нималарни тушунасиз?

4. Бадиий-оммавий тадбирларнинг асосий иш шакллари нималардан иборат?

**Таянч суз ва иборалар**

***Маданий маърифий муассасалар, режалаштириш, баддий тадбирлар, оммавий тадбирлар, услубий рахбарлик.***

## 2. Услубий рахбарликнинг предмети ва маданий маърифий фаолиятини маданий муассасаларда режалаштириш

**Режа**

1. Услубий рахбарлик предмети.
2. Маданий маърифий муассасалар ишини режалаштириш.
3. Маданий маърифий муассасалар иш фаолияти.

Режа якин муддатда ёки маълум давр ичида килиниши лозим булган ишларни олдиндан белгилаш,бажарилишига алохида эътибор килиш имкони беради. Барча маданий маърифий муассасалари иш фаолиятида купгина умумийлик булиб. Бу ишни режалаштириш аниклик киритилади.

Бу эса куйидагича:

1. Маданий–маърифий муассасаларида олиб бориладиган барча оммавий сиёсий хамда маданий–маърифий ишлар мустакил Республикамизнинг моддий техника базасини шакллантиришга, халк моддий фаровонлигини оширишга барча мехнаткашлар юксак гоявийлик ва ватанга садокат рухида, мехнатга ва ижтимоий тараккиётга онгли муносабатда булишга кишилар онгидаги салбий фикрни батамом тугатишга кишилар онгини устириш ва Янги одамни тарбиялашга каратилмоги лозим.

2. Режа тузиш вактида Республикамизнинг ички ва ташки сиёсатига Узбекистон Республикаси Олий мажлиси сессияси материаллари, Президентимиз карор ва фармонлари хукуматимиз карорларини шунингдек Узбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, вилоят хокимлиги, Маданият ва спорт ишлари бошкармаси, шахар ва туман хокимлиги, маданият ва спорт ишлари булимлари курсатма ва тадбирларига амал килади.

3. Маданий-маърифий муассасининг иш фаолиятини тугри ва максадли режалаштириш учун муайян худуд ахолини фикр мулохазасини, кизикишини талаб истагини

хамда уша худудда ташкилот корхона, хужалик ва муассасаларни махаллий шароитини чукур урганмоги шарт.

4. Маданий-маърифий муассасаси ишини режалаштиришда хизмат курсатадиган ахолининг кизикиши ва худудига караб маданий эхтиёжлари, ёши, миллати, жинси, касби ва бошка хусусиятлари албатта инобатга олинади.

5. Утказиладиган оммавий тадбирларнинг ранг баранг кизикарли ва хилма хил булишига, уларни ташкил этишда маданий-маърифий ишнинг турли ва усуллардан фойдаланиш, янгиларини ижод этиш, ушбу тадбирларни утказишда техника воситаларидан окилона фойдаланиш каби масалаларга алохида эътибор берилади.

Режа тузиш катта ташкилотчилик ва ташаббускорликни талаб киладиган мухим ишдир. Шунинг учун режа тузишда маданий-маърифий муассасалари кенгаши аъзолари, фаоллар, турли соха мутахассислари кенг жалб килинади. Режа маданий маърифий муассасасалар мудири (маданият уйи, маданият саройи директорлари) томонидан тузилади. Ушбу режа кенг жамоатчилик, маданий-маърифий муассасалар кенгаши ва фаоллар йигилишида мухокама килинади. Билдирилган фикр ва мулохазаларни хисобга олиб тузатишлар киритилгандан сунг тасдиклаш учун шахар, туман хокимлиги маданият ва спорт ишлари булимлари ёки марказий маданият уйига хавола килинади. Маданий-маърифий муассасасида йиллик, чораклик, ойлик, хамда айрим оммавий хамда сиёсий тадбирлага багишланган режалар булади. Йиллик иш режа янги йил кирмасдан олдин тузилади ва тасдикланади, режада бажариладиган ишларнинг умумий сони тадбирларнинг номи утказиш муддати ва жойи маскур ишларни бажарадиган шахслар курсатилади. Режа тузишда тадбирларни амалга ошириш учун зарур буладиган барча имкониятлар албатта хисобга олиниши керак. Йиллик иш режа албатта суз боши ва булимлар буйича тузилади.

Йиллик иш режада куйидаги булимлар булиши шарт.

1. Оммавий сиёсий ишлар.
2. Мехнат тарбияси
3. Ахлок ва хукукий тарбия.
4. Ватанпарварлик ва байналминал тарбия.
5. Илмий-маърифий таргибот.
6. Нафосат ва гузаллик тарбия.
7. Жисмоний тарбия ва оммавий спорт ишлари.
8. Дам олиш ва кунгил очар тадбирлар ташкил этиш.
9. Болалар ва усмирлар билан ишлаш.
10. Хотин кизлар уртасида ишлаш.
11. Тугарак ишлари.

12. Услубий ишлар.
13. Ташкилий ва хужалик ишлар.

Шахар–туман марказий маданият уйлари иш режасида услубий ишлар булими булади. Бу булимда маданий-маърифий муассаса ходимлари учун семинарлар утказиш, шахар ва туманда фаолият курсатаётган ва жамоаларга бошка шахар туман маданий-маърифий муассаса ходимларига услубий хамда амалий ёрдам бериш маданият уйи услубият хонаси ишини йулга куйиш тавсиялар, услубий хатлар, сценарийлар ёзиб таркатиш ва бошка услубий ишлар акс эттирилади.

**Назорат учун саволлар:**

1. Услубий рахбарликни предметлари нималардан иборат?
2. Маданий маърифий муассасалар ишини кандай режалаштирилади?
3. Маданий маърифий муассасаларни фаолияти кандай?

**Таянч суз ва иборалар**:

***Услубий рахбарлик, режалаштириш, моддий техника базаси, маърифий ишлар.***

## 3. Маданий муассасаларни бошкариш.

### Режа

1. Маданий маърифий муассасаларни бошкариш.
2. Уз-узини бошкариш тушунчаси.
3. Низом тугрисида тушунча.

Маданий муассасаларни бошкариш, узини узи бошкариш кенг ошкоралик, демократиялаш, жамоа аъзоларининг ижодий ишлаб чикариш ва ташкилий хужалик фаолиятида фаол иштирок этишлари асосида амалга оширилади. Маданий муассасаларнинг мехнат жамоасининг унинг штатли ходимлари ва ижодий тузилмалари ташкил этади.

Мехнат жамоасининг умумий йигилиши маданий муассасанинг асосий бошкарув органи хисобланади. Маданий муассасада муддатли шартномалар ва уриндошлик йули билан ишлаётган фукаролар, умумий йигинларда маслахат бериш хукуки билан иштирок этади.

Мехнат жамоасининг умумий йигилиши:

-Низомни тасдиклайди ва унга узгартиришлар, кушимчалар киритади.

-даромадларни таксимлаш тартибини белгилайди.

-ижодий ишлаб чикариш ва молия хужалиги фаолияти режаларини куриб чикади ва тасдиклайди.

-мехнатга хак тулаш системаси ва усулини аниклайди.

-маданий муассаса Кенгашини, рахбарини сайлайди.

-ички иш коидаларини, моддий жавобгарлик тартибини кабул килади ва узгартиради.

-кайта тузиш (бирлаштириш, кайта тиклаш), маданий муассаса жамоаси ва унинг булинмалари фаолиятини ечади.

Умумий мажлис ходимларнинг 2/3 кисми катнашган такдирдагина карор кабул килишга хакли. Карор купчилик овоз билан кабул килинади. Мехнат жамоасининг умумий мажлиси маданий муассаса томонидан заруриятга караб чакирилади, лекин бир йилда 2 тадан кам булмаслиги керак.

Маданий муассасанинг директори (мудири) маданият булими томонидан, маданий муассаса жамоасининг фикрини инобатга олган холда 5 йил муддатга тайинланади. (Уз фазифасидан бушатилади), карор юкори бошкарув органи–маданият бошкармаси томонидан тасдикланади. Маданий муассасанинг директори (мудири) бир вактнинг узида маданий муассаса кенгашининг раиси хисобланади. Маданий муассаса директори (мудири) уз вазифасига сусткашлик билан караса, унга юклатилган вазифани коникарсиз бажарса, ёки бирор бир конунга хилоф равишда, купол хатолар килса, маданият булимии томонидан 5 йил муддатдан олдин хам уз вазифасидан бушатилиши мумкин.

Маданий муассасанинг фаолиятига жамоа рахбарликни амалга ошириш максадида Кенгаш тузилади. Кенгаш умумий йигилишда мехнат жамоаси ва тузилма булинмаларининг фаол ва обрули ходимлари, жамоат ташкилотларининг вакилларидан очик овоз бериш йули билан умумий мажлис белгиланган таркибда 1 йил муддатга сайланади. Маданий муассаса Кенгаши мехнат жамоаси кенгаши Билан биргаликда ходимларни хар йили махсус текширув (аттестация)дан утказади хамда текширув якунига караб, лавозим маошини купайтириш ёки камайтириш тугрисида карор кабул килади, шунингдек, лавозим маошга кушимча бериладиган хакни бекор килиш ёки узгартиришни белгилайди. Маданий-маърифий ишлар, халк ижодиёти ва хужалик юритишнинг янги шаклларни такомиллаштириш буйича зарур тадбирлари ишлаб чикади ва амалга оширади. Маданий муассасанинг тузилма булинмалари иш режаларини куриб чикади ва рахбарнинг хисоботларини эшитади.

Маданий муассасани директори (мудири)га касаба уюшмаси ташкилоти билан келишилган холда куйидагиларни рухсат этилади:

-ходимларнинг зарур сонини белгилайди ва штатларни тасдиклайди.

-штат руйхати буйича, уртача маошга риоя этмай, белгиланган тартибда тузилган иш хаки фонди (мехнатга хак тулаш ягона фонди) доирасида, уларнинг сонини нисбатларини хисобга олмай, ходимларга мансаб маошларини белгилайди.

-ишда юкори курсаткичларга эришилганлиги учун ходимларга бир йил муддатга кушимча хак белгилайди. Кушимча хак микдори хари бир ходимнинг утказилаётган тадбирлар, бажарилаётган ишлар сифатини оширишга, даромадларни устиришга кушаётган хиссасига караб белгиланади. Бу кушимчалар иш сифати ёмонлашганда камайтирилади ёки бутунлай олиб ташланади.

-кушимча равишда ишлаётганлиги, хизмат зонасини кенгайтириб бажарилаётган ишлар хажмини оширганлиги учун, шунингдек, асосий иши Билан бир вактда вактинчалик ишламаётган ходимнинг вазифасини бажарилаётганлиги учун ходимларга анашу кушимча хак микдорини хамда кушимча равишда ишлаш мумкин булган касблар (лавозимлар)ни чекламаган холда иш хаки фонди (мехнатга хак тулаш ягона фрнди) хисобига ва уни тежаш доирасида устама хак белгилайди.

-мехнатга хак тулаш ягона фонди (моддий рагбатлантириш фонди) доирасида ходимлар ишининг самарадорлиги ва сифатидан келиб чиккан холда уларнинг мехнатига караб мукофотлаш тартиби ва микдорини белгилайди.

Ишда юксак ижодий ва ишлаб чикариш ютукларига эришганлиги учун маданий муассаса директори (мудири)га кушимча хак ва мукофотлар микдорини юкори бошкарув органи белгилайди. Бунда ходимларнинг (рахбарнинг хам) иш хаки энг куп микдор билан чекланмайди.

Директор (мудир):

-умумий мажлис ва Кенгаш карорларининг бажарилишини таъминлайди.

-маданий муассасанинг маблаглари ва мулкини, ишлаб чикариш молия фаолиятини режаларда белгиланган доирада бошкаради.

-ходимларни ишга кабул килади ва ишдан бушатади.

-давлат банкларида жорий ва бошка хисоблар очади, давлат, жамоа органлари, корхоналар, ташкилотлар, кооперативлар билан амалга ошириладиган муносабатларда маданий муассасанинг манфаатларини химоя килади.

-турли шартномалар тузади.

-ижодий ишлаб чикариш, молия фаолиятининг пировард натижаси учун давлат ва мехнат жамоасининг олдида шахсан жавоб беради.

-тузилма булимлари рахбарларини тасдиклайди ва вазифасидан бушатади.

-маданий муассасанинг кундалик ишларига рахбарлик килишни амалга оширади.

-умумий мажлис вазифасига кирмайдиган масалалар буйича карорлар кабул килади.

**Назорат учун саволлар:**

1. Маданий маърифий муассасалар кандай бошкарилади?
2. Уз-узини бошкариш нима?
3. Низом нима?

**Таянч суз ва иборалар**:

***Уз-узини бошкариш, Низом, шартнома, рагбатлантириш, ишлаб чикариш.***

## 4. Услубий рахбарлик хакида тушунча.

### Режа

1.Услубий рахбарлик хакида тушунча.

2. Услубий ишлар.

3. Ташкилий ва хужалик ишлари.

Марказий маданият уйлари колган маданий маърифий муассасалари учун услубий марказ хисобланиб уларнинг иш фаолиятига услубий хамда Амалий ёрдам курсатади.

Шунинг учун марказий маданият уйининг иш режасида услубий ишлар булиши шарт. Бу булимда шахар, туман маданий маърифий муассаса ходимларининг семинарларини утказиш, намунавий иш режалари тузиш, сценарий, услубий хат, тавсиянома, кулланмалар ёзиш, илгор иш тажрибаларини оммалаштириш, оммавий тадбирлар утказилишида услубий хамда Амалий ёрдам бериш, маданият уйи метод хонасини безатиш, уни Янги услубий кулланмалар билан бойитиш, утказиладиган тадбирларни баёнлаштириш каби тадбирлар акс эттирилади.

### Ташкилий ва хужалик ишлари

Бу булимда маданий муассасаси Кенгаши тузиш унинг йигилишларини утказиш, маданий маърифий муассасасининг биносини таъмирлаш, муассаса худудини ободонлаштириш, семинарлар, курик-танловлар, фестиваллар утказиш, маданий маърифий муассаса учун мусика асбоблари, маданий спорт иншоатлари, жихозлар, мехнат воситалари сотиб олиш ва хужалик ишлари режалаштирилади.

Маданий маърифий муассасасида фаолият курсатаётган хар бир ходим узининг иш таксимотига кура ишларини режалаштириши шарт.

Наманган вилояти ___________________________ маданият уйининг 200___ йилги иш

РЕЖАСИ

| № | Булимлар, бажариладиган ишларнинг номи ва мавзулари | Тадбир сони | Утказиш муддати | Утказиш жойи | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ижтимоий-сиёсий мавзуларда маъруза ва сухбатлар уюштириш | 12 | Йил давомида | Маданият уйи ва махаллаларда | Маданият уйи директори |
| 2 | Тарихий саналар хамда байрамларга багишлаб хар хил кечалар уюштириш | 30 | | | Маданият уйи услубчилари |
| 3 | Сиёсий мавзуларга оид савол-жавоб кечалари ва мунозаралар утказиш | 4 | Хаар чоракда | | |
| 4 | Огзаки журналлар утказиш | 4 | | | |
| 5 | Мавзули кечалар | 3 | Йил давомида | | Услубчи ва фаоллар |
| 6 | Уруш катнашчилар билан учрашув утказиш | 6 | Хар икки ойда | | |
| 7 | Музейлар, хотира ва кадрлаш уйларига саёхатлар уюштириш | 4 | 2-3 чоракда | Музей, хотира ва кадрлаш уйлари | Директор ва фаоллар |

Бошка булимлар хам шу тартибда ёзилади.

## ОЙЛИК ИШ РЕЖАСИ (намуна)

_______________________________________ туман марказий маданият уйининг 200____ йил январ ойи учун иш режаси

| № | Бажариш вакти | Бажариладиган ишларнинг номи ва мазмуни | Бажариш жойи | Масъул шахс |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 1-январ | «Салом арчажон» арча байрамини утказиш | Маданият уйи | Зокиров Б. |
| 2 | 2-январ | Маданият уйида фаолият курсатаётган | | Бадиий |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | халк дастасини «Байрам» концерти дастурини машгулотини утказиш. | | рахбар Темиров Т. |
| 3 | 3 январ | Маданият уйи кенгашини навбатдаги йигилишини утказиш | | Кенгаш раиси Косимов Т. |
| 4 | 4 январ | Сухбат: Оилада бола тарбиясининг долзарблиги | Заркент махалласида | Директор Каюмов Д. |
| 5 | 5 январ | Учрашув «Одобнома» махалла оксоколлари билан | Маданият уйи | Услубчи Зокиров Р. Хамдамов Р. |
| 6 | 6-январ | Савол жавоб кечаси «Инсон ва конун» | Маданият уйида | Директор Хошимов Т. |

Ойлик иш режа хам бошка иш режаларига ухшаб тасдиклатилади.

**Назорат учун саволлар:**

1. Услубий рахбарлик нима?
2. Ташкилий хужалик ишлари кандай юритилади?
3. Иш режалари кандай тузилади?

**Таянч суз ва иборалар:**

***Услубий иш, маданият уйи, иш режа, ташкилий ишлар, хужалик ишлари.***

## 5. Маданий маърифий муассасалар фаолиятини илмий асосда ташкил этиш.

**Режа**

1. Узбекистон санъати намоёндаларининг хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий фаолиятидаги алокаси.
2. Узбекистонда жахон микиёсидаги фестивалларнинг утказилиши.
3. Узбек санъатининг хорижий мамлакатларда намойиш этилиши.
4. Хулоса.

Маданий маърифий муассаса драматургияси асосида хам конкрет фактлар, реал шахслар ётади. Шу маънода маданий муассаса драматургияси уз салафлари билан муштарак хусусиятига эга. Бирок оммавий аудиторияга эга булган, кишилар билан жонли мулокотда буладиган, мжтимоий ва хаётий муаммоларни вазифаларни, аник, юзма-юз гаплашиб олинадиган хордик чикаришга кумалашадиган маданий муассасалар ва уларнинг таргибот-ташвикот ишларида кишилар уюшмасининг ижтимоий тажрибаси хисобланган клуб драматургияси узига хос специфик хусусиятларга эга. Аввало маданий муассаса

драматургияси вазифаси, йуналишига кура публицистик ижод таркибига киришни таъкидлаш керак. Шунингдек у педогогика психология билан мустахкам алокада маданий муассаса драматургияси таъсирлаш, баён этиш, курсатиш, томошавийлик, ишонтириш, хордик чикариш методларидан кенг фойдаланади. Маданий муассаса хам санъат каби таргиб ва ташвик килади, инсоннинг борлигини забт этади, натижада киши дам олади, лаззатланади, камол топади. Шуни айтиш керакки маданий муассасада драматик материалнинг кизикарли катлами мавжуд. Маданий муассаса хаёт, давр илгари сураётган масалаларни партия карорларида белгилаб берлган карор масалалар бажараётган кишиларнинг кахрамонона мехнатини, тематик кечалар, агитбригада томошалари, театрлаштирилган митинглар, оммавий сайиллар ва байрамлар халк урф-одатлари ва маросимларнинг сценарийларида умумлаштиради. Ана шулар маданий муассаса драматургиясининг предметидир. Маданий муассаса ишларининг куйидаги шакллари кенг таркалган: концертлар, мусобакалар, огзаки журналлар, викториналар, спорт мусобакалари, ракс уйинлари ва бошкалар. Маданий муассаса драматургияси театр, кино, радио, теледраматургиядан куйидаги хусусиятларга кура фаркланади.

У умумий масалаларга муносабат билдириш билан бирга, махаллий шароитда мавжуд ёки энди етилиб келаётган масалаларга, конкрет фактлар жиддий эътибор бЧунки хужжатлилик- театр телевидения, радио, кино ва маданий муассаса публициятикасининг муштарак хусусиятидир. Масалан: театр, телевидения, радио ва публицистик кинодраматургия хужжатлар тили билан гапирса умумийфактлардан жузъий хулосалар чикарса клуб драматургияси эса умумий фактлардан шундай фойдаланадики, хужжатли фактлар конкрет корхона, шахар, хаётини акс эттириб улардан умумий хулосалар чикаради.

2-дан, маданий муассаса аудиториясида утирганлар театр кино залдаги ёки телевизор каршисидаги оддий томошабинлар эмас, балким тадбир вокеасига актив аралашувчи, уз фикрини тадбир катнашчиларига эркин изхор килувчи кишиларди.

3-дан , маданий муассаса драматургиясида бирор тадбир сценарийси схемасини иккинчи тадбирга куллаш мумкин эмас. Хар кандай Янги сценарий узгача булиши ва узига хос тузилиши ва узига тузилиши керак.

4-дан, клуб факат у ёки бу мухим санани нишонлаш ёки хужжатли фактларни иллюстрациялаш асосида тадбир утказиладиган жойгина булмай, балки одамлар доимий мулокотга кирадиган, маълум бир конкрет тоифа ва группаларни бирлаштирадиган маданият муассасидир. Клубдаги тадбир кандай темада булишдан катъий назар, у узига хос ифодаланади. Шунинг учун хам маданий муассасадаги тематик кечалар, театрлаштирилган томошалар, хар хил байрамлар ва бошка тадбирларнинг кахрамонлари конкрет хаётдан олинган кишилардир. Бу маданий муассаса драматургиясини бош хусусиятини белгилайди.

5-дан, биррор тематик кечани тайёрлашда унга адабиёт ва санъат, музика, кино материалларини киритиш, у ёки бу темани расмлар билан бойитиш, улар кундалик хужжатлар, реал фактлар Билан тематик кечага сингдирилмаса, бундай кеча одамларга бегона булади.

6-дан, Маданий муассаса драматургияси сиёсий уткирлиги фикирнинг хиссий ифодаланиши, жанговорлик, жушкинлик билан бошка драматик жанрлардан фарк килади. Маданий муассаса сценарийси факат клуб тадбиригагина эмас, балки истирохат боглари ва маданият уйларидаги турли тадбирлар куча байрамлари, стадионларда утказиладиган турли оммавий-байрамларга хам асос булиши, тадбик этилиши мумкин, барча драматик асарлар сингари клуб драматургияси хам режиссура билан бевосита боглик. Режиссёр абадий сценарийнинг сахнага куйиш учун унинг асосида ишчи сценарийни куйиш учун унинг асосида ишчи сценарийни тайёрлайди.

Унда барча ижро жараёнлари курсатилади. Шундай килиб маданий муассаса драматургияси адабий ижоднинг мустакил сохаси булиб ажратилиб чикди ва ривожланди.

Маданий муассаса драматургияси аввало суз санаътидир. Вокеаликни сиёсий ижтимоий акс эттириш, реал кахрамонлар образларини драматик усулда умумлаштириш-бу ижод сохасининг характерли хусусиятидир. Маданий муассаса драматургиясини ижод шакли сифатида кам урганилган. Айникса узига хос хусусиятлари , жанр муаммолари хам чукур урганилмаган. Маданий муассаса драматургиясини публицистик ижод сохасида тасаввур этиш учун даставвал вокеликнинг акс эттириш усулларини яхши билмок керак. Публицистика лотинча «Публипус» сузидан олинган булиб, ижтимоий деган манони англатади.

Барча халклар адабиётшунослигида публицистика назариясини урганиш публицист ёзувчилар томонидан тупланган бой тажрибаларни оммалаштириш кенг микиёсда олиб бориляпти. Публицистика хакидаги илмий-назарий тадкикотларни куздан кечирганда икки йуналиш: 1. Публицистиканинг бевосита назарий муаммолари хакидаги. Бирор илмий назарий муаммога боглик холда атокли узбек ёзувчиларининг публицистик ижоди ва фаолиятига багишланган ишлар мавжудлигидир. Публицистика хозирги замон тарихини ёзишдир. Хозир жавоблик, жанговорлик, актуаллик-публицистиканинг хусусиятларидир. Санъат асарларини согликни образли акс эттиради шу асосда ижтимоий онг образларидан фарк килади. Бадиий образ мураккаб, фалсафий эстетик тушунча булиб, хаётни акс эттиришнинг махсус формасидир. У хаётнинг турли томонларини узида мужассамлаштиради. Ёзувчи гояси,таланти, дунёкараши асосан образларда намоён булади. Бундан ижобий ва салбий образлар келиб, чикади. Хар бир образ узининг тарихий урни ва

ривожланиш йулига эга булиши керак. Шундагина у укувчига эстетик таъсир килади. Инсон образи бадиий публицистик асарларда узига хос типиклаштирилади.

Узбек бадиий публицистикаси жанрларининг назарий муаммоларини тадкик этган О.Тогаев бу масалага анча объектив ёндошди. «Бизнингча бу фикрларнинг бирини кабул килиб, 2-чи рад этиш масалани ойдинлаштиришга ёрдам бермайди. Бу фикрларни публицистик ижод тажрибаси натижалари билан солиштириб урганиш хакикатни аниклашга олиб келиши мумкин». Публицистик асарлар бадиий шакл жихатидан хам хилма-хил куринишларга эга. Масалан, макола жанрини олиб курайлик: кичик адабий мулохаза, хамкасабага юбилей табриги, узи хакидаги монолог, халкимизнинг улкан галабаси ёки байрам кунларида ёзиладиган тантанавор макола, тараккиёт суръатини олишлари билан сугорилган жаговар муаммо, макола турли-туман очик хатлар - бу жанрлар доирасига киради. Публицистиканинг шакл бойлиги маданий муассаса драматургиясини бойитади. Маданий муассаса драматургияси бутун бошли жанрлар системасига эга. Уз навбатида хар бир жанрнинг ичида хилма-хил шакллар бор. Масалан тематик кечалар, портрет, репортаж, маросим кечалари каби турларга булинади. Хулоса килиб айтганда маданий муассаса драматургияси публицистик ижоднинг таркибий кисми булиб, публицистиканинг умумий конуниятлари ва прицибларига амал килади.

**Назорат учун саволлар:**

1. Маданий маърифий муассасалар фаолиятини илмий асосда ташкил этиш кандай амалга оширилади?

2. Узбекистон санъати намоёндаларини хорижий мамлакатлар билан маданий маърифий фаолиятидаги алокаси кандай?

3. Узбек санъатининг хорижий мамлакатларда намойиш этилиши хакида тушунтиринг.

**Таянч суз ва иборалар:**

***Драматургия, тадбир, тематик кечалар, томошалар, байрамлар, публицистик асарлар.***

## 6.Маданий маърифий ишларни бошкаришда тадбир сценарийсини роли.

**Режа**

1. Маданий маърифий муассасалар сценарийсининг мохияти.
2. Сценарий турлари.

3. Сценарий устида ишлаш.
4. Хулоса.

Сценарий -лотинча суздан олинган булиб, драматик асарнинг режаси демакдир. Хозирги санъатларда 4 хил сценарий мавжуд:

1) кино санъати таъсвирий воситалари ёрдамида экранда курсатишга мулжалланган адабий асар.

2) импорвизация театрида спектаклнинг сюжет схемаси.

3) балет сюжетининг батафсил баёни.

4) операда либреттонинг драматик режаси.

Сценарий хозирги замон шароитида маданий маърифий муассаса фаолиятини яхшилашнинг хам асосий мезони булиб колди. Оммавий-бадиий тадбирларнинг баъзилари, масалан, тематик концертлар, савол-жавоб учрашув ракс кечалари, «Огзаки журнал»лар, «Аския», «КВН» лар уз лирик табиатига кура деталлаштирилган сценарийни талаб килмайди. Улар учун сценарий режаси тузилади. Бундай тадбирларда кечада сузга чикувчиларнинг номлари, номерлар, нима хакида суз бориши кискача ёзиб чикилади. Хуллас сценарий режаси-турли чикишларнинг кискача баёни, аник драматик холатларнинг киска кайдларидир. Сценарий режасида империзация мухим урин тутади. Маданий маърифий муассаса тайёргарликка эга булган кишиларгина катнайди. Масалан, савол-жавоб, дам олиш кечаларини олайлик. Уларда олиб борувчи ёки диктор тадбир мазмунини, сахнада ёки хонада зухр этилаётган вокеаларни бошкариб боради, кишилар диккатини бир эпизоддан иккинчи эпизодга жалб этади, томошабинларга бадиий ва публицистик суз воситасида таъсир курсатади, сузга чикувчисида таъсир курсатади, сузга чикувчиларнинг сахнага чикишини уюштиради. Сценарийда маданий маърифий муассаса тадбирининг йуналиши белгиланади. Олиб борувчи тадбир мобайнида сценарийни тулдириши, бойитиши ва жонлантириши лозим. Аммо импровизация сценарийни инкор этмайди. Масалан, маданий оммавий тадбирлар, бадиийлашган публицистик кечалар учун мукаммал сценарийлар тузилади. Бу тадбирларда, хам томошада режиссура, тасвирий санъат, мусика, нур, шовкин ва бошка воситалардан кенг фойдаланилади. Маданий муассаса хамиша аник хонага эга. Анъанага кура, маданий маърифий муассаса купинча ушбу тартибда тузилади: Бошкарувчи кискача кириш килади, сунгра бир неча киши сузга чикади. Орада концерт номерлари киритилади. Бундай тадбирлар шакл жихатидан 2 кисмга булинади:

1. Доклад, катнашчилар нутки, табрик.
2. Концерт табриклар (бадиий кисм).

Маданий маърифий муассасадаги оммавий – бадиий тадбирларга кенг микёсда жалб этиш, уларни активлигини ошириш, улар калбида хис – хаяжон кузган-сценарий авторлари

ва режисёрларнинг мухим вазифасидир. Баъзи театр режисёрлари, актёрларига топширилади. Маданий муассаса драматургияси активларини уюштириш. Абадий сценарийлар ёзишга кизикувчи, кобилятли кишиларни маданий муассасага жалб килиш лозим. Уларни бир гурухга уюштириб маданий-маърифий фаолиятнинг воситалари, шакллари ва методлари билан таништириш топширик бериш, моддий ва маънавий рагбатлантириш лозим. Оммавий-бадиий тадбирлар сценарийси автори мафкуравий хаётимизни чукур билиши керак. Маданий маърифий муассасасининг йиллик иш режаси маданий маърифий муассаса драматургияси учун тематик асосдир. Одатда йиллик режада мавзулар балки тадбирнинг шакли хам аник курсатилади. Адабий сценарий устида ишлаш бир неча боскичларда олиб борилади.

Сценарий ёзишдан максад (масалани куйилиши)

1. Сценарий тукимаси устида ишлаш.
2. Сценарий юзасидан иш режа тузиш.
3. Хужжатли материалларни туплаш.
4. Бадиий материалларни туплаш.
5. Таъсирчан воситаларни танлаш.
6. Сценарий жанрини аниклаш.
7. Сценарий сюжети устида ишлаш.
8. Сценарий йули устида ишлаш.
9. Турли хил сахнавий усуллардан фойдаланиш.
10. Сценарийни тулик абадий текстини когозга тушириш.
11. Хулоса килиб шуни айтиш мумкинки, сценарий-утказиладиган барча тадбирларни ишчи дастури хисобланиб, унда бажариладиган барча ишларни мазмуни кенг микёсда ёритилади ва юкорида курсатилган сценарий тузиш максадлари йуналиши буйича фаолият курсатади хамда ушбу йуналиш асосида иш олиб борилади.

**Назорат учун саволлар:**

1. Маданий маърифий муассаса сценарийсининг мохияти нимада?
2. Сценарийга таъриф беринг?
3. Неча хил куринишдаги сценарийлар мавжуд?

**Таянч суз ва иборалар**

***Сценарий, драматургия, эпизод, публицистик кеча, бадиий тадбир***

## 5. Услубий рахбарликнинг мустакил демократик жамиятда тутган урни.

**Режа**

1. Узбекистонда маданий-маърифий фаолиятни демократиялаштириш ва уни куллаб кувватлаш.

2.Публицистика йуналишлари.

3.Публицистика куринишлари.

4.Хулоса

Маданий маърифий муассаса драматургияси аввало суз санъатидир. Бокийликни сиёсий-ижтимоий акс эттириш, реал кахрамонлар образини драматик усулда умумлаштириш-бу ижод сохасининг характерли хусусиятидир. Маданий муассаса драматургиясини ижод шакли сифатида кам урганилган. Айникса узига хос хусусиятлари, жанр муаммолари хам чукур урганилмаган. Маданий муассаса драматургиясининг публицистик ижод сохасида тасаввур этиш учун даставвал вокеликнинг акс эттириш усулларни яхши билмок керак. Публицистика лотинча «Публипус» сузидан олинган булиб, ижтимоий деган манони англатади.

Барча халклар адабиётшунослигида публицистика назариясини урганиш публицист ёзувчилар томонидан тупланган бой тажрибаларни оммалаштириш кенг микиёсда олиб бориляпти. Публицистика хакидаги илмий-назарий тадкикотларни куздан кечирганда икки йуналиш: 1. Публицистиканинг бевосита назарий муаммолари хакидаги. Бирор илмий назарий муаммога боглик холда атокли узбек ёзувчиларининг публицистик ижоди ва фаолиятига багишланган ишлар мавжудлигидир. Публицистика хозирги замон тарихини ёзишдир. Хозир жавоблик, жанговорлик, актуаллик-публицистиканинг хусусиятларидир. Санъат асарларини согликни образли акс эттиради шу асосда ижтимоий онг образларидан фарк килади. Бадиий образ мураккаб, фалсафий эстетик тушунча булиб, хаётни акс эттиришнинг махсус формасидир. У хаётнинг турли томонларини узида мужассамлаштиради. Ёзувчи гояси,таланти, дунёкараши асосан образларда намоён булади. Бундан ижобий ва салбий образлар келиб, чикади. Хар бир образ узининг тарихий урни ва ривожланиш йулига эга булиши керак. Шундагина у укувчига эстетик таъсир килади. Инсон образи бадиий публицистик асарларда узига хос типиклаштирилади.

Узбек бадиий публицистикаси жанрларининг назарий муаммоларини тадкик этган О.Тогаев бу масалага анча объектив ёндошди. «Бизнингча бу фикрларнинг бирини кабул килиб, 2-чи рад этиш масалани ойдинлаштиришга ёрдам бермайди. Бу фикрларни публицистик ижод тажрибаси натижалари билан солиштириб урганиш хакикатни аниклашга олиб келиши мумкин». Публицистик асарлар бадиий шакл жихатидан хам хилма-

хил куринишларга эга. Масалан, макола жанрини олиб курайлик: кичик адабий мулохаза, хамкасабага юбилей табриги, узи хакидаги монолог, халкимизнинг улкан галабаси ёки байрам кунларида ёзиладиган тантанавор макола, тараккиёт суръатини олишлари билан сугорилган жаговар муаммо, макола турли-туман очик хатлар - бу жанрлар доирасига киради. Публицистиканинг шакл бойлиги маданий муассаса драматургиясини бойитади. Маданий муассаса драматургияси бутун бошли жанрлар системасига эга. Уз навбатида хар бир жанрнинг ичида хилма-хил шакллар бор. Масалан тематик кечалар, портрет, репортаж, маросим кечалари каби турларга булинади. Хулоса килиб айтганда маданий муассаса драматургияси публицистик ижоднинг таркибий кисми булиб, публицистиканинг умумий конуниятлари ва прицииларига амал килади.

**Назорат учун саволлар:**

1. Узбекистонда оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва куллаб кувватлаш ижтимоий-сиёсий жамгармасининг макса два вазифалари нимадан иборат?

2. Узбекистонда кандай Янги нашриётлар пайдо булди?

3. Республикада «Узбектеатр» янги ижодий-ишлаб чикариш бирлаш-маси качон ташкил топди ва унинг фаолият мохияти нимадан иборат?

**Таянч суз ва иборалар:**

***Публицистик асар, публицистика, бадиий образ***

## 6. Маданий маърифий муассасалар фаолиятида маданий-маърифий ишларни режалаштириш ва рахбарлик турлари.

**Режа.**

1. Маданий-маърифий ишларни режалаштириш.
2. Маданий маърифий муассасалар фаолиятида маблаг ажратиш.
3. Хужалик фаолияти
4. Мехнатни ташкил этиш ва хак тулаш.

Маданий-маърифий муассасанинг ижодий ишлаб чикариш ва ижтимоий ривожланиш фаолияти ахоли, корхоналар ташкилотлар, муассасаларнинг ижтимоий буюртмалари жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар, кооперативлар илан тузилган максадли маданий дастурлар ва режалар асосида амалга оширилади.

Максадли маданий дастурда тадбирнинг максади аник иш шакллари ва усуллари уни утказиш учун лозим буладиган ресурслар ва харажатлар курсатилади.

Максадли маданий дастурларни буюртмачи тасдиклайди ва барча сарфларни буюртмачи тулайди. Беш йиллик ва йиллик режалар тузишда клуб молия-хужалик фаолиятининг иктисодий нормативлари, юкори органлар томонидан берилган назорат ракамлари ва лимитлари амал килинади.

